# ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2018 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 751,5 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 102,4 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачиликда 736,5 млрд. сўмни, овчиликда 0,03 млрд. сўмни ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажмида 10,0 млрд. сўмни, ўрмончилик хўжаликларида 2,4 млрд. сўмни (105,4 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 2,6 млрд. сўмни (107,1 фоиз) ташкил қилди.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (кўрсатилган хизматларнинг) ишлаб чиқариш ҳажми ҳудудлар кесимида *(млрд.сўмда)***




***(фоизда)***



**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) ишлаб чиқаришнинг ҳажми хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**

*(фоиз ҳисобида)*




Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) умумий ҳажмининг 84,7 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 12,2 фоизи фермер хўжаликларига ва 3,1 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келмоқда.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) ишлаб чиқаришнинг ҳажми ҳудудлар кесимида тақсимланиши**

*(вилоят ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)*



**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) ишлаб чиқаришнинг ҳажми хўжалик тоифалари бўйича худудлар кесимида тақсимланиши**

*(фоиз ҳисобида)*




**Деҳқончилик.** 2018 йилнинг январь-мартида деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 356,0 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 102,5 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий хажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 47,7 фоизни ташкил этди.

**Деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши** (фоиз ҳисобида)



Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар деҳқончилик маҳсулотлар умумий ҳажмининг 78,0 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 21,0 фоизи фермер хўжаликларига ва 1,0 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

**Ҳосил йиғими.** 2018 йил январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 14979 тонна сабзавот (102,6 фоиз) етиштирилди.



Барча ҳудудларда деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, сабзавот ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,3 фоизни ташкил этди.

**Асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши**




**Чорвачилик.** 2018 йилнинг январь-мартида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 380,5 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 102,2 фоизни

ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий хажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 50,6 фоизни ташкил этди.

2018 йил 1 апрель ҳолатига 2018 йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 104,5 фоизга (жами 876,9 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 102,9 фоизга (330,9 минг бош), қўй ва эчкилар 104,5 фоизга (2161,4 минг бош), паррандалар 116,0 фоизга (3826,1 минг бош) кўпайди.





Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 93,2 фоизни, фермер хўжаликларида эса 5,4 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 94,4 ва 5,0 фоизни, қўй ва эчкилар 82,2 ва 15,6 фоизни, отлар 80,7 ва 16,9 фоизни, паррандалар 60,3 ва 7,4 фоизни ташкил этди.

**2018 йил январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликларда чорва моллари ва паррандалар бош сони** *(минг бош)*






2018 йилнинг январь-мартида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 31,4 минг тонна гўшт (2017 йилнинг январь-мартига нисбатан 2,2 фоизга кўп), 127,7 минг тонна сут (0,3 фоизга кўп), 76,6 млн. дона тухум (25,4 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.



**2018 йил январь-март ойларида**
**ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари**

| | *минг тонна* | *ўсиш суръати, %* |
|---|---|---|
| **Гўшт (тирик вазнда)** | **31,4** | **102,2** |
| **Соғиб олинган сут** | **127,7** | **100,3** |
| **Тухум, млн. дона** | **76,6** | **125,4** |

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,0 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,6 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 59,3 фоизни ташкил этди.

**2018 йил январь-март ойларида**
**чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби**
*(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)*



**2018 йил январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби**

